



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT
DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
IJTIMOIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

GUMANITAR FANLARNI O‘QITISHNING ZAMONAVIY ILMIY YO‘NALISHLARI

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN
KONFERENSIYASI

2021-
yil

8-MAY



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLAR KAFEDRASI

**“GUMANITAR FANLARNI O‘QITISHNING
ZAMONAVIY ILMIY YO‘NALISHLARI”**

respublika ilmiy-amaliy onlayn konferensiyasi

M A T E R I A L L A R I

Toshkent – 2021

ISBN: 978-9943-7285-4-7

UO‘K: 377.112.4

KBK: 74.266

Oliy ta’lim mamlakatning ertangi taraqqiyotini belgilab beradigan, jamiyat hayotining barcha jabhasini isloh etishda hal qiluvchi vazifani bajaradigan muhim ta’lim bosqichi hisoblanadi. Shuning uchun ham mehnat bozorida raqobatdosh, yuqori malakali kadrlar tayyorlash, oliy ta’lim tizimi sifati va samaradorligini tubdan oshirish har bir mamlakat ijtimoiy siyosatining asosiy negizini tashkil etadi. Mazkur masalani hal qilishda ijtimoiy-gumanitar fanlarning o‘ziga xos o‘rni bor.

Mazkur to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universitetida 2021-yil 8-mayda tashkil etilgan “Gumanitar fanlarni o‘qitishning zamonaviy ilmiy yo‘nalishlari” mavzusidagi respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallaridan iborat.

Konferensiya O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2021-yilda respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasiga muvofiq tashkil etilgan. Ilmiy anjumanda respublikamiz oliy o‘quv yurtlarida, kasbiy ta’lim hamda umumta’lim maktablarida faoliyat olib borayotgan professor-o‘qituvchilar, ijtimoiy-gumanitar fanlar yo‘nalishida ilmiy tatqiqotlar olib borayotgan respublikamiz olimlari, doktorantlar va mustaqil tadqiqotchilarning vaqolalari jamlangan.

To‘plam uchun mas’ullar:

Mas’ul muharrir: Sh. Sirojiddinov f.f.d., professor

Ilmiy muharrirlar: I. Aslonov, psixol.f.n., dotsent, D. Arapbaeva psixol.f.n., dotsent.

Taqrizchilar: L. Raupova f.f.d. professor, va Sh. Abdullayeva f.f.d. professor

Tahrir hay’ati: V. Muxamedjanova t.f.n. dotsent, I. Uzakov p.f.n.,

A. Bo‘ronov, Sh. Muxamedov,

Tuzuvchilar: I. Aslonov, psixol.f.n., dotsent, D. Arapbaeva psixol.f.n., dotsent,

R. Alimbayeva, M. Karimova, A. Zarifov

Sahifalovchi va dizayner: Sh. Tursun

Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

UO‘K: 377.112.4

KBK: 74.266

ISBN: 978-9943-7285-4-7

© “Lesson Press” nashriyoti.

© ToshDO‘TAU, 2021

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕРСОНАЛЛАРИНИНГ АКАДЕМИК МОБИЛЛИГИ	
Уралов Озоджон Шарипжонович	292
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР	
Каршиева Зулфия Шукуровна	297
ТАРИХИЙ ФАНИНИ ЎҚИТИШ: ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА	
Рахимов Наврўзбек Шохназарович, Болтаева Наргиза Ражаббоевна.....	301
O‘SMIRLIK DAVRIDA KOLLEJ-LITSEY O‘QUVCHILARIDA KASB TANLASH VA TA‘LIM-TARBIYANI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOLOGIK MUAMMOSI	
Karimova Madina Xolmurotovna	306
ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	
Арапбаева Дамегул Курбановна, Хидирова Фарангиз Рустам қизи.....	310
O‘QITUVCHILARDA INNOVATSION FAOLIYATGA TAYYORLIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH DAVR TALABI SIFATIDA	
Xurramov Anvar Vafokulovich	313
XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ	
Жонибек Бўтаев	318
ҲОЗИРГИ КУНДА ТАЛАБА - ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ МАДАНИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ	
М.Г.Раимова, Г.А.Абдухалимова.....	323
MOBIL ALOQA VOSITALARINING INSON RUHIYATIGA TA‘SIRINING IJOBIIY VA SALBIY JIHATLARI	
Toshmatov Bobobxon Egamshukurovicjh	326
XX АСР БОШЛАРИДАГИ ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИНИ НОМЛАШ МАСАЛАСИ ТАДҚИҚОТЛАР ТАҲЛИЛИДА	
Рахимов Наврўзбек Шохназарович	328
ПОЛОЖЕНИЕ ЖЕНЩИНЫ В СРЕДНЕАЗИАТСКОМ ОБЩЕСТВЕ: СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ	
Умурзакова Раъно Ахмедовна	332

ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЛЬКЛОР САНЪАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Арапбаева Дамегул Курбановна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти

Хидирова Фарангиз Рустам кизи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети 4-курс талабаси

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша тарихи, маданияти ва урф-одати бўлади. Одамлар жамият бўлиб, бир халқ бўлиб яшашни бошлагандан ўз тарихларини яратади. Ҳаммага маълумки, дастлабки даврларда ёзув бўлмаган. Шундай пайтларда инсонлар ўз қонунлари, урф-одатлари ва тарихларини оғзаки равишда авлодларга етказганлар. Шунинг учун ҳам фольклор барча санъатнинг бошланиши, ибтидосидир. Шу сабабли у бошқа санъатлар билан уйғунликка эга, шу билан бирга ўзига хослиги билан ажралиб турувчи алоҳида санъат туридир. Айни шу сабабдан ҳар бир миллат оғзаки ижодини яъни, фольклорини доимо ўрганиб келади. Ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганишга тамал тошни Ҳоди Зариф қўйган десак муболаға бўлмайди. Устоз Ҳ.Зарифдан сўнг Т.Мирзаев, К.Имомов, М.Афзалов, М.Алавия, А.Мусақулов, Б.Саримсоқов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов ва бошқалар ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича самарали ишлар олиб борганлар.

Хусусан, О.Мадаевнинг “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” номли ўқув кўлланмасида халқ оғзаки ижоди ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ота-боболаримизнинг айтмоқчи бўлган панд-насихатлари, эл эъзозлаган одам бўлишнинг талаб-қоидалари, Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ажойиб юрт фарзандларининг ботирликлари, халқимизнинг урф-одатлари, миллий фазилатларимиз санъат даражасига кўтарилган сўз тизимларидан иборат мақол, кўшиқ, эртак, достон, болаларга бағишланган асарлар ва бошқа жанрлардаги намуналарда ифодасини топади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодини миллий қадриятлар деб аташ одат бўлган [2.6]. Халқ оғзаки ижоди илмда фольклор деб юритилади. Бу атамани 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс таклиф қилган бўлиб, унинг маъноси “халқ донолиги” деган тушунчадан иборат. Аслини олганда, фольклор деганда, халқ томонидан яратилган ҳамма санъат намуналари тушунилади. Меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, оғзаки адабиёт намуналари – ҳаммасини фольклор деб тушуниш қабул қилинган. Ҳар бир санъат соҳасида иш олиб бораётган мутахассис ўзи танлаган турни “фольклор” деб атайверади [1.6 б.].

М.О.Жўраев ўз тадқиқотларида мифология ва маросим фольклорини фундаментал равишда ўрганиб, мифлар ва маросим фольклори намуналарини нафақат халқ ижоди ва адабиёт, балки қадимий ёзма ёдгорликлар, моддий маданият, тасвирий санъат материаллари асосида кенгроқ тадқиқ этди.

Тадқиқот натижалари “Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар” (1994), “Ўзбек мифологияси ва араб фольклори” (2001, ҳаммуаллифликда), “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” (2008), “Миф, маросим ва эртақ” (2014, ҳаммуаллифликда) каби китоб ва рисолаларда ҳамда кўплаб илмий мақолаларда ўз ифодасини топди. Уларни “Ўзбек фольклори тарихи”нинг биринчи жилдида йирик монографик тадқиқот сифатида умумлаштирди [2.56 б].

Олим ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта ўзбек мифологияси ва мавсумий маросимлар фольклорини қуйидагича тадқиқ этди: ўзбек мифологиясини 1) этнологик; 2) космогоник; 3) шамсий ва қамарий; 4) антропгоник; 5) манистик; 6) тотемистик; 7) культ мифлари; 8) тақвим билан боғлиқ мифлар; 9) астраль мифлар тарзида тасниф этди ҳамда уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ёритиб берди. Мавсумий маросимлар фольклорини эса а) қишки; б) баҳорги; в) ёзги; г) кузги маросимлар фольклори тизимида ўрганиб, уларнинг ҳар бирига тегишли фольклор намуналарини таҳлил этди [4.56 б].

Тўра Мирзаевнинг “Гўрўғли” туркуми достонларининг дастлабки нашри ҳақида” мақоласида “Гўрўғли” туркуми достонларининг дастлабки нашри бўлмиш 1880 йилда Қозонда чоп этилган “Ҳикояти Гўрўғли султон” китоби, унинг сюжети, тарқалиш доираси, бахшилар репертуаридан жой олиши ва “Гўрўғли” туркумидаги достонларга таъсири каби масалалар ёритилади [2.33-43 б.].

Жонмирза Мирзаевнинг “Гўрўғли” достонининг қиёсий ўрганилиши масалалари” номли илмий мақоласида “Гўрўғли” достонининг ўзбек вариантлари қиёсланса, сюжет ва мотивда ўхшашлик мавжудлигини, улар ўртасидаги тафовут у қадар катта эмаслигини кўрамыз. Улар ўртасидаги фарқ услуб, ижро ва анъанага бўлган турлича ёндашувда эканини кузатамыз. Бир асарни бундай вариантларга қиёслаб ўрганиш маълум сабабларга кўра бир вариантда унутилган ёки қисқача баён этилган ўринларни тиклаш, тўлдириш имконини яратади [2.60 б].

Тадқиқотчи Гуландом Пашиеванинг “Шаҳриёр” эпосининг қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрганилиши” номли мақоласида “Шаҳриёр” достони хусусида қорақалпоқ фольклоршунослигида амалга оширилган қатор тадқиқотларга тавсиф берилади. Тадқиқотлар натижасига кўра, қорақалпоқ халқи орасида тарқалган “Шарьяр”нинг оғзаки вариантларининг илдизини “Шоҳнома”, “Доробнома” каби мумтоз асарларга боғланган ҳолда, бу эпоснинг дастлабки нусхалари ВИ-ВИИ асрларда Хоразм минтақасида пайдо бўлиб, кейинги мукамал оғзаки нусхалари ИХ-ХИИ асрларда Идил ва Ёйик дарёлари бўйларида шаклланган, деган хулосага келишади [5.71 б.].

Ўзбек халқ оғзаки ижоди битмас-туганмас хазинадир. Фолклоршунослар ҳар томонлама уни ўрганганлар ва ўрганишмоқдалар. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан ҳам фольклорга эътибор кучайтирилмоқда. Энг муҳими, миллий фольклор санъатимизга нафақат

мамлакатимизда балки хорижлик олимлар ва мутахассисларнинг қизиқиши кучайиб, бу хусусда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ҳамда тўпланган маълумотлар асосида асарлар яратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, «МУМТОЗ СОЪЗ». 2011. 243 б.
2. Мирзаев Ж. “Гўрўғли” достонининг қиёсий ўрганилиши масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т. 2016 №4, 58-64 б.
3. Мирзаев Т. // Ўзбек тили ва адабиёти. “Гўрўғли” туркуми достонларининг дастлабки нашри ҳақида. – Т. 2018 №2, 33-43 б.
4. Мирзаев Т., Турдимов Ш. // Ўзбек тили ва адабиёти. Етук фольклоршунос. – Т. 2016 №4, 53-58 б.
5. Пашиева Г. // Илм сарчашмалари.– У. 2016 №12, 67-71 б.